ООО "XBFINANSEKONSULTING"
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

**Сирдарё вилоят “Агрокимёҳимоя”**
**худудий акциядорлик жамиятининг 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявийхисоботига Ижобий фикр билдирилган**

## АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.

Сирдарё вилоят “Агрокимёҳимоя”
худудий акциядорлик жамияти *рахбариятига*

Аудиторлик текшируви утказилаётган корхонанинг реквизитлари:

| | |
|---|---|
| Корхона ва ташкилотининг тўлиқ номи | Сирдарё вилоят «Агрокимёхимоя» худудий акциядорлик жамияти (кейинги матнларда «жамият» деб юритилади) |
| Юридик манзили ва телефон рақамлари | Сирдарё вилояти Гулистон шахри бирлашган кучаси 66-уй. |
| Банк реквизити | Ҳисоб рақами 20210000500209404001, АТБ “ AGROBANK” Сирдарё вилоят филиали, банк коди(МФО) 00365. |
| СТИР | 200322471. |

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

| | |
|---|---|
| Аудиторлик ташкилотининг тулик номи: | Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING» аудиторлик ташкилоти |
| Юридик ва почта манзили: | Тошкент шахри, Госпитал дахаси 11/2-А. |
| Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисида маълумот: | Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш тугрисида ГУВОХНОМА № 1018 2005 йил 11 майда берилган |
| Аудиторлик фаолияти учун лицензия: | Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 11 апрелда берилган АФ.00809-сонли "Узбекистон республикаси худудида аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи" лицензия |
| Банк реквизитлари: | Асосий жорий хисоб раками: 20208000604408712001 «DavrBank» Чилонзор филиали (МФО:01046)ИНН:205666530, ОКЭД: 69202. |
| Аудиторлик ташкилоти директори: | Рузимов М.С, Аудитор малака сертификати №05540 2017 йил 22 декабрда берилган |
| Аудиторлик текшируви рахбари: | Рузимов М.С, Аудитор малака сертификати №05540 2017 йил 22 декабрда берилган |

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “ХВ FINANSE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг аудитори Рузимов М.С, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган №05540-сонли «Аудитор малака сертификати»га хамда аудиторлик ташкилоти билан Сирдарё вилоят “Агрокимёҳимоя” худудий акциядорлик жамияти ўртасида тузилган шартномага асосан Сирдарё вилоят “Агрокимёҳимоя” худудий акциядорлик жамиятининг 01.01.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача бўлган даври учун тузилган “Корхона баланси” – форма № 1, “Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот” – форма № 2, шаклларидан иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

## Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

## Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз Сирдарё вилоят “Агрокимёҳимоя”худудий акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

## Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект Сирдарё вилоят “Агрокимёҳимоя” худудий акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**«XB FINANSE KONSULTING» Аудиторлик**
**Ташкилоти директори/аудитор:** **Рузимов М.С**

*Хулоса тузилган сана:*

*«29» июн 2020 йил.*